

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

---

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

---

# LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакесва Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Сайнова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доцент,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>45. Mirzaliyev U.B. Xasanov M.M.</b> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVLAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI ISHLAR VA ISLOHOTLAR.....	362
<b>46. Муминов А., Норов Ш.</b> ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛИЁТ.....	367
<b>47. Норқўчқаров Х. Э., Мансуров У.Ж.</b> АФФОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ).....	373
<b>48. Мўминова Г.Э.</b> ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....	379
<b>49. Муталлибжонов М.М.</b> ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ.....	387
<b>50. Нафиддинова Х.Р.</b> БУХОРО ТҶЙ-ҲАШАМЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН.....	392
<b>51. Норматов О.</b> ЎРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР....	398
<b>52. Нурматова М.М.</b> ЖУРЖИЙ ЗАЙДОННИНГ "ФАРҒОНА КЕЛИНИ" РОМАНИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ.....	405
<b>53. Пардаев А.А.</b> ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (1989-2019 ЙИЛЛАР).....	410
<b>54. Примова Ф.А.</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	416
<b>55. Расулов А.М.</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	424
<b>56. Расулов Ҳ.М.</b> ШАРҚ ВА ҒАРБ: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ КОМПОНЕНТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ.....	429

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 57.Рахматова Н.М.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ  
90-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....437
- 58.Рузматова Ш. А.**  
XVII АСР ОХИРИ XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРФОНА  
ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР....444
- 59.Samatova F.N., Qurbonov B.G', Mahmudova N.**  
O'ZBEKISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN  
SHANXAУ NAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDAGI ALOQALARI.....452
- 60.Саттаров А.М.**  
1946-1990 ЙИЛЛАРДА МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА  
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ТАРИХИДАН..... 462
- 61.Тажимирзаев Э.**  
АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРДА ФАРФОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ  
АҲОЛИСИ ОРАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ  
ТАРҚАЛИШИ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ  
(1960-1970 ЙИЛЛАР).....469
- 62.Топилдиева М.Р.**  
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАШКИЛ  
ТОПИШИ ТАРИХИ.....476
- 63.Тошпўлатов Б.Ш.**  
XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ  
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....484
- 64.Ўлжаева Ш.М., Тошпўлатова Н., Сурождинова М.**  
АМИР ТЕМУРНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ВА МАҲАЛЛИЙ  
ҲУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАГАН ҲАРБИЙ ҲИЙЛАЛАРИ  
("ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"МИСОЛИДА).....491
- 65.Тоштемирова Н.Д.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....496
- 66.Турсунов А.А., Хамзаева Г.Н., Обидова О.А.**  
МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТЎРАНИНГ "МУНТАХАБ  
АТ-ТАВОРИХ" АСАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТ  
БОШҚАРУВИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....502

---

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

---

Муталлибжонов Маъруфжон Муталлибжон ўгли,  
Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ мустақил тадқиқотчиси  
marufjon1985@inbox.uz

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ

---

*For citation: Mutallibjonov Marufjon Mutallibjon o'g'li. INFLUENCE OF MASS MEDIA ON THE YOUTH POLITICAL ACTIVITY AND POLITICAL CULTURE. Look to the past. 2020, SI, pp. 387-391*

---



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-49>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ёшларнинг жамиятда бўлаётган ўзгаришларга дахилдорлик хисси билан яшаш, уларнинг ижтимоий масъуллиги ва сиёсий маданиятлик даражасини ошириш, фуқароларнинг давлат билан ўзаро муносабатини ўрнатиш ҳамда фуқароларнинг сиёсий жараёнларга иштирок этиш аҳамияти янада ошириш бўйича фикр ва мулоҳаза. Таклифлар айтиб ўтилган.

**Калит сўз:** Хорижий тажриба, "электрон ҳукумат" тизими, сиёсий жараён, сиёсий маданият, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни.

---

Муталлибжонов Маруфжон Муталлибжон угли,  
Независимый научный сотрудник  
Национального университета им. Мирзо Улуғбека  
marufjon1985@inbox.uz

## ВЛИЯНИЕ СРЕДСТВ МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ НА ПОЛИТИЧЕСКУЮ АКТИВНОСТЬ МОЛОДЕЖИ И ПОЛИТИЧЕСКУЮ КУЛЬТУРУ

### АННОТАЦИЯ

Эта статья дает представление о том, как молодые люди чувствуют причастность

к изменениям в обществе, их социальной ответственности и политической культуре, их взаимодействию с государством и важности участия граждан в политических процессах. Предложения упоминаются.

**Ключевые слова:** опыт, система обучения, система электронного правительства, политический процесс, политическая культура, правосознание и правовая культура.

**Mutallibjonov Marufjon Mutallibjon o'g'li,**  
An independent researcher of  
Mirzo Ulugbek National University  
marufjon1985@inbox.uz

## INFLUENCE OF MASS MEDIA ON THE YOUTH POLITICAL ACTIVITY AND POLITICAL CULTURE

### ABSTRACT

This article provides insights into how young people feel a sense of belonging to societal changes, their social responsibility and political culture, their interaction with the state, and the importance of citizen participation in political processes. Suggestions are mentioned.

**Index Terms:** Foreign experience, e-government system, political process, political culture, legal awareness and legal culture.

Долзарблиги. Бугун юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёнини, мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимизга холис ва тезкор тарзда етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос ўрни бор. Бу борада ёшларнинг жамиятда бўлаётган ўзгаришларга дахилдорлик хисси билан яшаш, уларнинг ижтимоий масъуллиги ва сиёсий маданиятлик даражасини оширишда соҳа вакилларига маълум вазифалар юклатилган. Шу боис оммавий ахборот воситаларнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириш, журналистларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини юксалтириш, уларнинг соҳалар бўйича ихтисослашувини янада такомиллаштириш, нодавлат босма оммавий ахборот воситаларини малакали журналист кадрлар билан таъминлаб бориш каби масалаларга жиддий эътибор қаратиш ҳаётий заруриятга айланиб бормоқда.

Таъкидлаш керакки, оммавий ахборот воситалари, аввало, фуқаролар билан давлат орасидаги энг муҳим воситачи ҳисобланади. Бу воситачилик эса журналистларнинг фаоллиги орқали рўёбга чиқади. Оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги мавжуд ҳокимиятнинг жамият билан яқинлашувига олиб келади.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик тизимлилик холислик тамойиллари шунингдек, муаммога цивилизацион ёндашув ҳамда қиёсий таҳлил усуллари асосида ёритилган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Жамиятнинг сиёсий жиҳатдан ижтимоийлашувида, фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг сиёсий онги ва хулқ-атворининг шаклланишида журналистика энг

кучли омил саналади. Ёшлардаги онглиликни, янгича хулқ-атвори тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг бирламчи вазифаларидан ҳисобланади. Бинобарин бундай тарбия ҳар қандай демократик тизимнинг асоси бўлиб хизмат қилиши ҳеч кимга сир эмас. Бугун биз нафақат жамият, балки ҳеч биримизнинг ҳаётимизни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур ҳам қила олмайдиган даражага етдик.

Ҳозирги кунда Республикамизда 1500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 616 соатни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, мустақилликдан олдин бу рақам бор-йўғи 48 соатга тенг эди, холос[1.498].

Оммавий коммуникациялар кенг қулоч ёзган бир пайтда ёшлар томонидан тақдим этилаётган хабарларни қабул қилиш, тўғри баҳолаш, унинг тезлиги, аниқлиги, холислиги ва ҳаққонийлигини таҳлил қила олиш кўникмаларига эҳтиёж ҳам кучайиб бораверади. Зеро инсон қобилияти ва маҳорати ҳам худди олмосга ўхшайди, унга қанчалик ишлов бера борсанг, у кун сайин кўркамлашиб жавоҳирга айлана боради. Жамиятда фуқароларни сиёсий фаоллигини ошириш орқали сиёсий маданияти шакллантирилиб борилади. Бу жараёнлар демократик жамиятнинг асосини ташкил этади.

Маълумки, сиёсий маданият тушунчаси ўз мазмунига кўра шахсларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг ҳаётий фаолияти ва сиёсий ҳаётда қатнашиш малакасини ўзлаштиришни, қатнашиш даражасини ифодалайди. Сиёсий маданият, сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият шаклида намоён бўлади. Ҳуқуқий демократик жамият қуришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Оммавий ахборот воситаларига жамиятни ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш воситаси ҳамда унга жамият аъзоларининг руҳиятига таъсир ўтказувчи кучли манипулятив вазифаларини бажаради.

Муайян шахснинг сиёсий маданиятини ошириш жараёни ҳақида гап кетганда, одатда мазкур жараёнга таъсир этадиган омилни кўрсатиб ўтилади: Бу борада профессор Б.Т.Тўйчиев сиёсий маданиятга қўйидагича таъриф берган[2,Б.37]. Сиёсий маданият муносабатлар тизими бўлиб, айни вақтда бир-бирининг ўрнига келувчи авлодлар қаторида муносабатлар тизимини ташкил қилувчи элементларни вужудга келтириш ва қайта вужудга келтириш жараёндир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида: "Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва тўла қонунга мувофиқ ишлайдилар. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавоб берадилар. Цензурага йўл қўйилмайди" [3,Б.4] деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Бугун жамиятимизнинг оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қила олмаймиз. Жамиятдаги ижтимоий, сиёсий жараёнлардаги етакчи ўринни эгаллашини ҳисобга олган ҳолда, оммавий ахборот воситалари ҳатто-тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарилди. Мамлакатимизда эркин фаолиятга асосланган оммавий ахборот воситалари шакллантирилди ва унинг фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида аввало, ҳуқуқий кафолатларни яратишга киришилди. "Шахс сиёсий онги ва хулқ-атвори оммавий ахборот воситалари томонидан яратилган ахборот майдонига жиддий боғлиқ. Яъни, шахс сиёсий онгининг шаклланишига тасир кўрсатувчи тўрт омилнинг бири кенг маънодаги ахборотдир. Жумладан, Э.Денниснинг "Оммавий ахборот воситалари тафаккуримизни шакллантиради, фикрларимиз ва қарашларимизга таъсир кўрсатади, маълум хулқ-атвор турларига, масалан, маълум номзод учун овоз беришимизга туртки беради"

[4,Б.176], деган бўлса, бошқа муаллиф О. В. Кузьмен фикрича, фуқаролар хулқ-атвориغا оммавий ахборот воситаларининг таъсири маълум жамоатчилик фикрини вужудга келтириш орқали амалга оширилади.

2017 йил 7 сентябрь "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг мақсади ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ҳар қандай жамиятда инсон муайян маданиятга, хусусан сиёсий маданиятга эга бўлади, бу эса ҳар доим унинг фикрлари, қарашлари, ҳиссиётлари, сиёсий ҳукм чиқаришларида намоён бўлади. Ёшларнинг сиёсий маданияти ҳам умумий маданиятнинг муҳим кўриниши бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг, жумладан, ёшларнинг ички ва ташқи сиёсатни идрок эта билишида, таҳлил қила олиш қобилиятида, ўз хатти-ҳаракатини мустақил белгилаши ва амалга оширишида намоён бўлади. Умуман олганда, сиёсий маданият инсоннинг сиёсий ҳодисалар ҳақидаги тасавурлари, хулқи ёки сиёсий ҳокимият субъекти сифатидаги фаолиятининг кўриниши бўлиб, у шахснинг сиёсий фаолият кўникмаларини қай даражада эгаллаганини кўрсатади. Ёш авлоднинг сиёсий жиҳатдан фаол фуқарога айланиш жараёнида улар томонидан эгаллаган ахборотлар ижтимоий-маданий тизимнинг асосий хусусиятларини ёшлар онгида уйғунлаштириб боради.

Жамиятдаги сиёсий-маданий қадриятлар, хулқ-атвор андозалари ҳамда анъаналар- фуқароларни ягона сиёсий тизим атрофида бирлаштиради, бир жамиятни бошқа жамиятдан фарқлайди. Бинобарин ёшлар ҳам сиёсий маданият негизида ягона давлат фуқаролари эканини англаб етади. Шу билан бирга, сиёсий маданият жамият аъзоларида бўлгани каби ёшларда ватанпарварлик туйғусини қарор топтирувчи кучга айлананиб боради.

Сиёсий маданият мунтазам ривожланиб боровчи динамик ҳодиса ҳисобланади. Жамиятда кечаётган турли сиёсий жараёнлар билан бир қаторда фуқаронинг сиёсий фаоллиги ҳамда сиёсий маданияти ҳам юксалиб боради. Ушбу сиёсий жараёнда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаронинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларидан тўла фойдаланиши, конституциявий бурчларини адо этиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Сайловнинг мамлакат ва халқ ҳаётидаги аҳамияти тарғибот-ташвиқот ишлари орқали аҳолига кенг етказилди. Натижада, фуқаролар мазкур муҳим сиёсий тадбирда фаол қатнашиб, ўз фуқаролик бурчини фаоллик билан адо этганига гувоҳ бўлдик. Халқ билан мулоқот, одамларнинг орзу-интилишлари, дарду ташвишлари билан яшаш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бугунги кунда ҳар бир оммавий ахборот воситаси чинакам мулоқот майдонига, эркин фикр минбарига айланган такдирдагина биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз[5,Б.501].

Президентимизнинг 2019 йил 9 январдаги "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони тарғибот ва ташвиқот қилишда, унинг мазмун моҳиятини ёшлар онги ва қалбига сингдиришда, шунингдек, инсон манфаатлари ҳимоясида жуда муҳим аҳамият касб этувчи кўплаб қонун ва қонун ости ҳужжатларини, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармонларининг мазмун-моҳиятини омма, айниқса ёшлар ўртасида ёйишда оммавий ахборот воситалари олдида катта вазифалар бор.

Бу вазифалар мамлакатимизда олиб борилаётган ташқи ва ички сиёсатни оддий фуқаролар кўзи билан, яъни, турли-туман нуқтаи назарлардан баҳолаб ифодалаш,

шу билан бирга, йўлимизда тўсиқ бўлиб турган иллатларга-бу коррупция ёки амалпарастлик бўладими, маҳаллийчилик, одамларнинг дардини кўрмаслик бўладими-буларнинг барчасига қарши мурасиз курашиш, бир сўз билан айтганда, адолатни қарор топтириш, жамиятимизни янада эркинлаштириш, ёшлар тарбияси масаласида учун ўзини аямасдан, виждон амри билан яшаш журналист деган касбни танлаган инсонлар учун ҳаётини мақсадга айланиш керак.

#### 4.Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз ҳозирги кунда ахборот ва коммуникация технологиялари ва босма медиа ахборот тизимининг ривожланиши даражаси бўйича глобал ахборот давридаги етакчи мамлакатлар қаторидан муносиб эга бўлди, десак янглишмаймиз. Зеро ёшлар масаласи ва уларнинг сиёсий маданиятини ўстиришда оммавий ахборот воситлари устивор соҳа бўлиб қола беради.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

- 1.Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2017. 498-бет (Mirziyoyev Sh.M. We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level. - Т.: Uzbekistan, 2017. 498 pages)
- 2.Тўйчиев Б.Т. Методологический анализ формирования и развития политической культуры и демократизация современного общества : автореферат диссертации ... доктора философских наук : 09.00.01 ТашГУ, Ташкент, 1991. -37 (Toychiev B.T. Methodological analysis of the formation and development of political culture and democratization of modern society: abstract of the dissertation ... doctor of philosophical sciences: 09.00.01 TashGU, Tashkent, 1991. -37)
- 3.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2017 йил 4-б ( Constitution of the Republic of Uzbekistan. -Т .: Uzbekistan, 2017, p.4)
4. Одилқориев Х.Т., Фойибназаров Ш.Ф. Сиёсий маданият. -Т.: 2004. 176-б. (Odilqoriev X.T., Sh.G'. Goyibibarov. Political culture. -Т .: 2004. 176-p.)
- 5.Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2017. 501-бет (Mirziyoyev Sh.M. We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level. - Т.: Uzbekistan, 2017 - 501 pages)
- 6.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. People's Word Newspaper, January 25, 2020, № 19 (7521))

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

**МАХСУС СОН**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000